Ушбу сонда:
2 ҒАЛЛАКОР, ҚАНДИНГНИ УР!
3 МУЛК ҲАҚИДА
6 НАСАФ АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 8 июл, жума № 107-108 (1949)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ХАЛҚАРО ЙЎЛГА УЛАЙДИ

***Аму-Қоракўл каналида бошланган янги кўприк қурилиши Мустақиллик Куни байрамигача қуриб битказилади.***

Мазкур кўприк Қоракўл ва Олот туманини М-37 халқаро автотрассага улайди.

Кўприкнинг қурилиши тендерда ғолиб чиққан Бухоро кўприк қурилиши бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда.

— Кўприк қурилишига 900 миллион сўм ажратилган бўлиб, бунёдкорлик ишлари жорий йил баҳорида бошланган, — деди қурилиш бошлиғи Муродилло Бердиев. — Унинг узунлиги 75 метр, кенглиги эса 22 метр бўлади.

Қурувчиларнинг таъкидлашича, М-37 халқаро автойўлнинг 309-километридаги кўприк ҳам таъмирланмоқда. Унга 253 миллион сўм маблағ сарфланиб, 14 метрга кенгайтирилади.

**«Туркистон-пресс»**

## МУСТАҚИЛЛИК БИНОЛАРИ

***Бир вақтлар Оролбўйининг табиий шароити ҳисобга олинмасдан Нукусда кўп қаватли темир-бетондан иборат бинолар қурилиб, 21-22 митти туманлар вужудга келган эди. Йиллар ўтиши билан уй-жойлар эскириб, таъмирга муҳтож бўлиб қолди.***

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг шаҳар ва туман марказлари инфратузилмасини ривожлантиришнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Қорақалпоғистон пойтахтининг 70 йиллиги муносабати билан ҳозирги замон меъморчилиги талабларига жавоб берадиган кўплаб маъмурий ва турар-жой иморатлари қад кўтарди. Нукус жамоли чирой очиб, Жайҳун соҳилидаги кўркам аҳоли масканларидан бирига айланди.




Капитал қурилишда туб ислоҳотлар ўтказилаётганлиги ва республика ҳукуматининг саъй-ҳаракати туфайли уй-жой хўжалиги тараққиёти учун янги истиқболлар очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ аҳолининг ўз эҳтиёжлари учун уй-жой қуриш, реконструкциялаш ва харид қилишга якка тартибда қарз олувчиларга имтиёзли узоқ муддатли ипотека кредити бериш тизимини кенг жорий этиш учун молиявий маблағларни жалб қилиш ва жамлаш мақсадида махсус жамғарма тузилди. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилиб, мамлакатнинг барча аҳолиси қатори якка тартибда қарз олувчиларга уч йиллик имтиёзли давр билан камида 15 йил муддатга энг кам иш ҳақининг 2500 ва 3000 карра миқдорида, уй-жой қурилиши, реконструкциялаш ва харид қилиш қийматининг 75 фоиздан ошмайдиган миқдорида кредит линиялари очишга рухсат берилди. Республика Молия вазирлиги 2005 йилга мўлжалланган инвестиция дастурига мувофиқ жамғармага сертификатли уй-жой қурилиши учун 2 миллиард сўм ажратади.

Мустақиллик йилларида шаҳарнинг А.Дўстназаров кўчасида банк кредити ҳисобидан яшаш майдони 1534 квадрат метрли, Дўстлик хиёбонида 35 хонадонли уй-жой қурилди. «Сарвиноз» маҳалласида 2001 йилда умумий саҳни 1618 квадрат бўлган, бундан икки йил муқаддам Дўстлик майдонида 20 хонадонли иморатлар қад кўтарди. Бу турар жойлар ўзининг кўркамлиги, қулайлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради.

Энг муҳими бериладиган ипотека кредитлари аҳолини ижтимоий ҳимоялашни назарда тутади. Уй-жой қурувчининг дастлабки мажбурий тўлови 20 фоиз миқдорида бўлади. Мавжуд кредит ресурслари давлат томонидан ажратилади.

Юртбошимизнинг юқоридаги қарори ижросини таъминлаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқилди. Нукус шаҳрининг А.Дўстназаров кўчасида 20 хонадонга мўлжалланган 4 қаватли турар-жой бунёд этилади. Шаҳар ҳокимлиги томонидан уй-жой қурилиши учун майдон ажратилди. Фуқароларга кредитлар бериш бўйича ҳужжатлар тайёрланмоқда. Нархи ва сифати жиҳатидан энг мақбул лойиҳани уй-жой қурувчиларининг ўзлари танлайдилар.

Ипотека кредитлари ҳисобига турар-жойлар қурилиши нафақат Қорақалпоғистон пойтахтида, Хўжайли, Тахиатош, Қўнғирот, Тўрткўл каби йирик аҳоли пунктларида ҳам амалга оширилади. Натижада фуқаролар жамғармадан олинган маблағлар ҳисобига қулай турар-жойларга эга бўладилар.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Ислоҳотларни янги босқичга кўтаришнинг мустаҳкам пойдевори*

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг шу йил 27 январдаги қўшма мажлисида Юртбошимиз иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида мамлакат олдида турган дастурий вазифаларни баён этиб, тадбиркорлик, кичик бизнес ва хусусий сектор вакилларига нисбатан муносабатимизни тубдан ўзгартиришимизни, тадбиркорлар фаолиятига ноҳолис, тирноқ остидан кир қидириш кайфияти билан қарашдан бутунлай воз кечиш, уларнинг манфаатлари ва қонуний ҳуқуқлари ҳимоясини тўла таъминлашни, мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қилишига ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар тизимини яратиш кераклигини алоҳида таъкидлади.***

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида"ги қарорида жамиятимизни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатимизни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, суд - ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш, назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини камайтириш, иш одамларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги қатъий чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Ушбу қарор ва Фармонларни чиқарилиши аҳоли иқтисодий барқарорлиги оширилишини таъминлаш ва бозор муносабатлари ривожланишини чуқурлаштириш борасидаги давлат сиёсатининг узвий давомидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Охирги йилларда Конституциянинг мазкур нормасини таъминлаш борасида республикада хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг фаолият олиб боришлари эркинлиги ва кафолатларини тартибга солувчи эътиборга лойиқ ҳуқуқий тизим шакллантирилди ва бу борада бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизнинг жадаллик билан ривожланаётган иқтисодиёти, тадбиркорликни жаҳон андозаларига мос равишда ривожлантириш, қонунчиликни янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

## 1.ТАДБИРКОРГА КЕНГ ИМКОНИЯТ

Бу борада Ўзбекистон Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатдан алоҳида ўрин тутмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ушбу Фармон тадбиркорлик субъектлари ва давлат назорати органлари ўртасида юзага келган муаммоларни бартараф этишга ва тадбиркорларнинг фаолият эркинлигини янада кенгайтиришни тартибга солувчи бир қатор янги ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган.

Жумладан, 2005 йил 1 июлдан бошлаб янги тартиб жорий этилиб, бунга кўра тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиши белгиланди.

Буларга фаолиятни тугатиш;

фаолиятни тўхтатиб қўйиш;

банклардаги ҳисоб-варақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш;

молиявий санкцияларни қўллаш;

ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш кабилар киради.

Тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) тартиби қатъий белгилаб берилди.

Жумладан, тадбиркорлик субъектларини молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш фақат давлат солиқ хизмати органлари томонидан, текшириш давомида солиқ ва валютага оид жиноят аломатлари аниқланган тақдирда эса - Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Фармонга кўра, назорат органларининг раҳбарлари ва мансабдор шахслари тадбиркорлик субъектларини ўз ваколатлари ва назорат соҳаси доирасидан ташқари масалалар бўйича ҳар қандай текширувлар ўтказганлиги учун шахсан жавобгар, ҳатто жиноий жавобгар ҳам бўладилар.

Қонунчилигимизда бу каби қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган назорат қилувчи органлар мансабдор шахслари масъулиятини ошириш борасида етарли таъсирчан чоралар мавжуд.

Масалан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241[1]-моддасида Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш деганда тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказишни ғайриқонуний рад этиш ёки уни рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун махсус рухсатнома (лицензия) беришни ғайриқонуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарздаги ғайриқонуний аралашиш тушунилади.

Агар мансабдор шахслар томонидан қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш оғир оқибатларга ёки тадбиркорлик субъектига кўп ёки жуда кўп миқдорда зарар етказилишига олиб келса, бунда мансабдор шахслар Жиноят кодексида назарда тутилган моддаларга кўра тегишли жавобгарликка тортиладилар.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 14-1-моддасидаги хўжалик юритувчи субъектларда муқобил текширишлар ўтказиш тартибига янги ўзгаришлар киритилди.

Хусусан, муқобил текширишларни ўтказиш чоғида тадбиркорлик субъектларига бориш ва улардан текширишга тааллуқли бўлмаган молия-бухгалтерия ёки бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ман этиб қўйилди.

**(Давоми 2-бетда)**

## ОСОЙИШТАЛИГИМИЗНИНГ НАВҚИРОН ПОСБОНЛАРИ

***Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясининг навбатдаги битирувчиларига тантанали диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Унда сўзга чиққан ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А.Шарофиддинов, академия бошлиғи, полковник Х.Зокиров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, мазкур соҳа вакиллари юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлади. Шу боис ҳам тизимни профессионал етук кадрлар билан таъминлашга жиддий эътибор қаратилаётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган ва ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим омил бўлмоқда.

Юртимиз тинчлиги ва осойишталигини сақлаш заминимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчидир. Бу шарафли бурчни касб сифатида танлаган ёшлар зиммасига эса янада улкан масъулият юкланади. Мазкур академияда ана шундай ватанпарвар ёшлар ҳар томонлама етуклик мактабини ўтайди. Бу йил ушбу даргоҳдан олти юз нафардан зиёд офицер етишиб чиқди.

- Тергов фаолияти бўйича мутахассис дипломини олганимдан жуда хурсандман, - дейди Бекзод Иномжонзода. - Ҳозир мамлакатимиз ички ишлар тизимида асосий эътибор ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришга қаратилаётгани боис хизмат давомида нафақат тергов қилиш, балки жиноятчиликнинг олдини олишга ҳам ҳаракат қиламан. Бунда менга академияда олган билимим қўл келиши шубҳасиз.

**(ЎзА)**



## ИЗЛАРНИ ЙЎҚОТИШГА УРИНИШ

***БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир.***

**ТОШКЕНТ. (6 июль, РИА «Новости», Абу Али НИЁЗМАТОВ).** БМТнинг Қочқинлар бўйича Олий комиссарлиги бошқармаси ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор ташкилотларнинг Олмаота шаҳрида ҳибсга олинган Лутфулло Шамсутдиновни Ўзбекистонга топширмаслик тўғрисидаги талаби асоссиздир. Бу ҳақда чоршанба куни Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан РИА «Новости» агентлигига маълум қилинди.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматидан (МХХ) маълум қилишларича, «4 июль куни Олмаотада қўлга олинган Ўзбекистон фуқароси Лутфулло Шамсутдиновга нисбатан Андижон вилояти ички ишлар бошқармасининг терговбошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Ўта оғир оқибатларга олиб келган терроризм» ва «Аҳоли орасида саросима уйғотиш мақсадида ахборот тарқатиш» моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган».

МХХ жамоатчилик билан алоқалар бюроси раҳбари Олимжон Тўрақуловнинг сўзларига кўра, «Шамсутдинов республика бўйича қидирувда бўлиб, Саиджаҳон Зайнобитдинов деган бошқа бир «инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси» билан битта жиноий иш бўйича айбланмоқда».

Шунингдек, мазкур бюро раҳбарининг таъкидлашича, Шамсутдинов ўз оила аъзолари билан 27 май куни Қозоғистонга учиб кетди, деган ахборот ҳақиқатга тўғри келмайди. «Шамсутдинов ва унинг оила аъзолари «Тошкент» аэропортининг чегара назоратидан ўтганлар рўйхатида қайд этилмаган», - деди О.Тўрақулов.

«Бундан ташқари терговорганларида Шамсутдинов ва Зайнобитдинов Андижон шаҳрида фожиали воқеалар содир этилган кунлари олдиндан олинган буюртма бўйича ҳаракат қилганлиги ҳақида далиллар бор», - деди бюро раҳбари.

О.Тўрақуловнинг маълум қилишича, «Шамсутдинов ўз «буюртмачиларига» Андижонда рўй бераётган воқеалар тўғрисида хабардор қилиб туриш, шунингдек, воқеа жойидан олдиндан бичиб-тўқилган ёлғон ахборотларни тарқатиш учун керак бўлган».

«Ўзбекистон махсус хизматлари Шамсутдинов оиласи билан Тошкентга ва бу ердан дипломатик номерли автомобилда Қозоғистонга яширинча, ноқонуний олиб чиқиб кетилиши қандай ташкил этилгани тўғрисида инкор қилиб бўлмайдиган далилларга эга», - деб қўшимча қилди МХХ бюроси раҳбари.

«Биз қатор оммавий ахборот воситаларида ушбу факт бўйича кўтарилаётган шов-шувларни изларни йўқотишга уриниш, деб ҳисоблаймиз», - дея таъкидлади О.Тўрақулов.

Фарғона вилоятида соғломлаштириш мавсумининг биринчи навбати якунига кўра 19 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 360 нафар, 1 та спорт соғломлаштириш масканида 135 нафар, 24 та кундузги дам олиш жойларида эса 2033 нафар болалар соғломлаштирилди. Жаъми 44 та оромгоҳларда ҳордиқ чиқарган фарзандларимиз сони 5768 нафарга етди. Касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши кам таъминланган фуқароларнинг 73 нафар, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги 254 нафар, агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси кенгаши 2405 нафар болаларнинг бепул дам олишини таъминлади.

## КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИГА

### бепул йўлланма

Иккинчи навбат бўйича 20 та шаҳар ташқарисидаги оромгоҳларда 4135 нафар болалар мириқиб хордиқ чиқаришмоқда. Жорий йилнинг 15 июлигача касб-ҳунар коллежларида ташкил этилган кундузги оромгоҳларга болаларни қабул қилиш давом этади.

Республика "Саломатлик - Р" ҳиссадорлик жамиятига қарашли "Роҳат" болалар оромгоҳини мавсумга тайёрлаш ишлари вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг саъи-ҳаракатлари натижасида якунланиб, 1 июлдан ички ишлар бошқармаси вояга етмаганлар назорати бўлими ҳисобида турувчи 34 нафар болалар ва 104 нафар кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини қабул қилиб олди. Мавсум давомида ушбу оромгоҳда 302 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари дам олдирилади.

**Ўз мухбиримиз**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАТБУОТ УЧУН АХБОРОТИ

***Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Остона шаҳрида қабул қилинган Декларациясида Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг тегишли иштирокчилари ШҲТга аъзо мамлакатлар ҳудудидаги ерусти инфратузилмаси объектларидан вақтинча фойдаланиш ва ўз ҳарбий контингентларини сақлаб туришнинг якуний муддатларини аниқлаштириши зарурлиги қайд этилган. Бу масала оммавий ахборот воситаларида кенг муҳокама қилинаётгани, айрим сиёсатчи ва таҳлилчиларнинг мазкур мавзуда баёнот ва мурожаатлар билан чиқаётгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни баён этади:***

**Биринчидан**. 2001 йил 7 октябрда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан АҚШ Ҳукумати ўртасида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ва бу ердаги ҳарбий инфратузилмадан фойдаланиш учун рухсат бериш тўғрисида Битим имзоланган эди. Буни биринчи галда Ўзбекистон томонининг Афғонистон бўйича антитеррор коалициянинг фаол иштирокчиси сифатида, суверен Ўзбекистоннинг ҳудудий яхлитлигига, хавфсизлиги ва барқарорлигига толиблар ҳамда халқаро терроризм кучлари томонидан бўлаётган бевосита таҳдидни бартараф этиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилиши тақозо этган эди.

АҚШга «Хонобод» аэродромидан фойдаланиш учун рухсат берилишидан асосий мақсад Афғонистоннинг мамлакатимизга яқин ҳудудларида жанговар операциялар ўтказиш чоғида қидирув-қутқарув тадбирларини амалга ошириш ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун имконият яратишдан иборат эди.

**Иккинчидан**. «Хонобод» аэродроми ҳудудининг АҚШ ҳарбий-ҳаво кучларига фойдаланиш учун берилиши ва Битим имзоланиши чоғида ҳам, кейинчалик қуролли кучлар контингентининг «Хонобод»да туриш муддатлари муҳокама этилганда ҳам доимо бу масалалар Афғонистон шимолида ҳарбий операциялар ўтказиш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилган ва ҳал этилган.

Ўзбекистон томони АҚШ қуролли кучлари контингентининг келгусида Ўзбекистон ҳудудида бўлишининг бошқа вариантларини кўриб чиқмаган.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон томонининг «Хонобод» аэродромини қўриқлаш, зарур инфратузилма барпо этиш ва ундан фойдаланиш борасидаги қўшимча харажатларини қоплаш, экологияга етказилган зарар ва аҳолига туғилган ноқулайликлар туфайли компенсация учун АҚШ ҳеч қандай тўловларни амалга оширмаган.

Шунингдек, «Хонобод»дан фойдаланиш бошланган кезлардан охирги пайтгача АҚШ ҳаво кемаларининг аэродром ҳудудида учиб-қўнишини амалга ошириш бўйича ҳам тўловлар бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги АҚШ қуролли кучлари контингентининг «Хонобод» аэродромида келгусида туриши масаласини муҳокама этиш чоғида мана шу принципиал мулоҳазалар асос қилиб олиниши керак, деб ҳисоблайди.

## «ЖАҲОН» ЖИЗЗАХЛИКЛАР ХИЗМАТИДА

Жиззах шаҳри марказида тадбиркор Нодира Икромова саъй-ҳаракатлари билан «Жаҳон» деб номланган янги савдо уйи қад кўтарди. Мазкур иморатнинг биринчи қаватида юз турдан зиёд халқ истеъмоли моллари билан савдо қилинади. Иккинчи қаватда эса тўй ва тантанали маросимларни ўтказишга мўлжалланган, барча қулайликларга эга ресторан жойлашган.

- Мамлакатимиз Президентининг бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришга йўналтирилган фармонлари ва қарори биз, тадбиркорлар учун катта имкониятлар яратиб бераётир, - дейди тадбиркор Н.Икромова. - Ушбу иншоотни тадбиркорликдан орттирган маблағимиз ҳисобидан барпо этдик.

Тадбиркорларга яратиб берилаётган имкониятлар туфайли вилоятда кўплаб савдо, умумий овқатланиш корхоналари бунёд этилмоқда. Биргина шу йилнинг ўтган даврида 1220 квадрат метр майдонда савдо хизмати кўрсатиш, 871 ўринли умумий овқатланиш иншоотлари қуриб битказилди.

**(ЎзА)**

*Газетхон илтимосига кўра*

# МУЛК ҲАҚИДА

***Бугунги кунда мулк масаласи барча фуқарони бирдек қизиқтириши табиий. Чунки мулк қадим-қадимдан кишиларни ўзига оҳанрабодек тортиб келган.***

***36-модда. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли...***

***53-модда. Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.***

***Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин.***

***54-модда. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.***

(Ўзбекистон Республикасининг Конституциясидан).

## Мулкдорлик нима?

Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Унинг эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, анироғи, ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади. Кишилар ашёларни ўзлариники қилиб олгандагина ўзлаштиришлари мумкин. Бинобарин, жамиятда ўзгаларники бўлган ашёларни ўзлаштириб бўлмайди. Мулк соҳиби ўз мулкига таяниб иш кўради. Ўзганинг мулкини ижарага олувчи ёки мулкдорга ёлланиб ишловчи шахс бу маънода мустақил эмас.

Мулкдоргина ўз мулкига нисбатан энг яқин бўлади ва табиийки, унинг ғамхўри ҳисобланади. Бинобарин, бундай мулк ташмачилик, ўғирлик, хўжасизликнинг қурбони бўлмайди.

Мулкдорлик мулк юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва бурчнинг, манфаат ва масъулиятнинг бирлигидир. Бундан мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг қонунларда белгиланган қуйидаги шартлари келиб чиқади.

Мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари

қонунчилик мулк ҳуқуқини амалга оширишнинг қуйидаги шартларини белгилайди:

1. Мулкдорнинг ўз ҳуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

2. Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур (сервитут ҳуқуқи). Масалан, йўлакларнинг қолдирилиши, симёғочларнинг ўтказилиши каби.

3. Мулкдор ўзининг устунлик мавқеини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас. Масалан, маҳсулотни реклама қилаётганда рақобатчининг турдош маҳсулот номини айнан кўрсатмаслик (кир ювиш воситалари мисолида: TIDE ва одатдаги кир ювиш воситаси каби).

4. Мулкдор ўз ҳуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

* * *

Мулк ҳуқуқи ўз навбатида икки маънода-объектив ва субъектив мулк ҳуқуқи маъноларида тушунилади.

Объектив мулк ҳуқуқи-ашёларни ўзлаштиришнинг усулларини белгиловчи, тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир. Мулк тўғрисидаги умумий қоидалар объектив ҳуқуқ нормалари ҳисобланади.

Субъектив мулк ҳуқуқи – айрим шахслар, яъни ҳуқуқ субъектларининг (давлат, ташкилотлар ва фуқароларнинг) объектив ҳуқуқ нормалари асосида келиб чиқадиган мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш ҳуқуқларидир.

Мулкдорнинг ўзига тегишли мулкка ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиши, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиши, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунчалари мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида мулкдорнинг мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади. Мол-мулкни сақлаш асосан мулкдор зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулкий ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши мумкин.

Амалдаги қонунчиликка кўра, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Бунга асосан мулкдор ўз мулкига бўлган ҳуқуқларини ихтиёрий равишда ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳишиунинг ўз эрки, иродаси билан ўзининг манфаатини кўзлаб, шунингдек бошқаларнинг манфаатларига путур етказмай, бировнинг тазйиқисиз, зўрлашисиз ҳаракат қилишидир.

Энг муҳими, мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

## Мулкни эгаллаш ҳуқуқи

Мулкни эгаллаш ҳуқуқи мулкни қўлда ёки бирон жойда сақлаб туришдир. Бундай ҳуқуқ, аввало, мулкдорга тегишли бўлади. Аммо мулкни эгаллаш ҳуқуқи қонун ёки шартномага асосан бошқа шахсда ҳам бўлиши мумкин. Масалан, мулк шартнома бўйича ижарага қўйилишида, вақтинча текин фойдаланиш учун топширилишида, гаровга қўйилишида ёки маъмурий акт (далолатнома) ларга биноан вақтинча сақлаш учун бирон ташкилот ёки фуқарога ўтказилишида мулкка эгалик ҳуқуқи мулк эгаси ҳисобланмаган шахсда бўлади.

Мулкдорлик, мулк ҳуқуқи мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан бошланади. Бинобарин, бу масала соҳада ҳам, турмушда ҳам ўта нозик, мураккаб масалалардан биридир. Амалда мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи икки йўсинда вужудга келади: инсофли эгаллаш ва инсофсиз эгаллаш.

## Инсофли эгалловчи ким?

Инсофли эгалловчи мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлга киритган, шунингдек мулкни ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтишини билмаган ва билиши мумкин бўлмаган шахсдир. Масалан, хусусийлаштириш жараёнида мол-мулкни ёки мулкий ҳуқуқни аукцион (тендер)да сотиб олишда, мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсдан ҳақ тўлаб олинишида (айтайлик, тоға муайян пул суммасини хизмат сафарига кетиш олдидан жиянига омонат қилиб топширгану, жиян уни ўз мақсадлари йўлида ишлатиб юборган. Бу ерда ушбу пулларнинг янги эгалари инсофли эгалловчи ҳисобланадилар).

## Инсофсиз эгалловчи ким?

Инсофсиз эгалловчи мулкни қонун талабларига мувофиқ қўлга киритмаган, яъни мулкнинг ўзига ғайриқонуний йўл билан ўтишини билган ёки билиши лозим шахсдир. Ўғирлик, ташмачилик, ўзлаштириш шулар жумласидандир.

## Фойдаланиш ҳуқуқи

Мулкдан фойдаланиш мулкнинг фойдали хусусиятларини олиш, мулкдан иқтисодий маънода фойдаланишдир. Мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи шу мулкни эгаллаш ҳуқуқи билан чамбарчас боғлиқдир. Муҳими, мулкдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ равишда бўлиши лозим. Масалан, автомобилдан узоқни яқин, оғирни енгил қилувчи транспорт воситаси сифатида фойдаланиш керак.

## Тасарруф этиш

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга ҳаратилган ҳуқуқ (ҳаракат)дир.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи уни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага бериш, айирбошлаш, ҳисобдан чиқариш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби усулларда амалга оширилади.

Бу ҳуқунинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуқи ҳам қўлдан кетади. Масалан, ашё сотилганида, субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқулари бутунлай бошқа шахсга (янги эгага) ўтади.

## Кимлар мулкдор бўлиши мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли (Конституциянинг 36-моддаси). Ушбу норма ва амалдаги жорий қонунчилик (жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Мулкчилик тўғрисидаги қонуни ва ҳ.к.)нинг таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда мулкдор бўлиш шахс ҳуқуқ лаёқатининг асосий мазмунини ташкил этади. Бу ерда шахслар деганда, ҳам жисмоний шахслар (яъни, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар), ҳам юридик шахслар (яъни, маҳаллий, хорижий ва қўшма корхоналар) тушунилади. Шунингдек, давлат (Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлат) ҳам мулкдор бўлиши мумкин. Яқин ўтмишда фақат давлат шундай ҳуқуққа эга бўлганлигини эслатиш жоиз.

## Мулкдорликнинг ҳажми (меъёри)

Амалдаги қонунчиликка кўра, хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Қонунчиликнинг муваффақиятини қарангки, у бир пайтнинг ўзида хусусий мулк орттиришнинг ҳам миқдор, ҳам қиймат жиҳатдан чегараланмаслигини назарда тутади. Буни қандай тушуниш керак? Айтайлик, қонун йўл қўйган асосларда мулкдор 10 қаватли, замонавий отел соҳиби бўлиши ёки 10 килограмм тилла буюмлар соҳиби ҳам бўлиши ёхуд ўтказилган аукционда ҳаддан зиёд катта суммадаги пулга ноёб санъат асарини сотиб олиб, унинг соҳиби ҳам бўлиши мумкин. Бу ерда биринчи ҳолда миқдор катта, қиймат кичик, иккинчи ҳолда миқдор кичик, қиймат катта, учинчи ҳолда ҳам миқдор кичик, қиймат катта бўлганлиги кузатилади. Демак, мулкдор бўлишнинг муайян чегараси белгиланмаган.

Кези келганда, яқин ўтмишдаги мулкдор бўлишнинг аёвсиз чекловларини эслатиш лозим. Хусусан, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг 1963 йил 23 мартда тасдиқланган ва 1964 йил 1 январдан бошлаб амалга киритилган Граждандлик кодексининг 119-моддасида "Гражданларнинг шахсий мулкида чорва моллари ва паррандалар боқиш нормаси", 121-моддада "гражданнинг шахсий мулкида ёки бирга турувчи эр ва хотин ҳамда уларнинг вояга етмаган болалари ихтиёрида қонун йўл қўйган асослар бўйича уй-жой биттадан ортиқ бўлиб қолса, улардан бирини (хайриятки, ўзи хоҳлаганини – таъкид бизники) ўзида қолдириб, бошқа(-лари)сини ушбу уй-жойга (уйларга) эгалик қилиш ҳуқуқи вужудга келган кундан бошлаб бир йил давомида сотиши, ҳадя қилиши ёки бошқа усул билан бировга ўтказиши лозим». (Эътибор беришингиз мумкин, ушбу моддада бу ҳолат ҳуқуқ (?!) сифатида эътироф этилади.

## Дахлсизлик

Дахлсизлик тушунчаси ҳуқунинг турли соҳаларида, чунончи, конституциявий (давлат) ҳуқуқида, сайлов ҳуқуқида, халқаро ҳуқуда ҳам учрайди. Айни вақтда ҳар бирида ўзига хос маъно-мазмун касб этади.

Фуқаролик ҳуқуқида мулкнинг дахлсизлиги тамойили мавжуд бўлиб, у бутун бошли мулкий ва шахсий-номулкий муносабатларнинг негизини ташкил этади. Чунки шахс мулкдор, яъни муайян мулкнинг соҳиби бўлгандагина эркин, мустақил ҳаракат қилади, муносабатларга киришади.

Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг унинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мулкдор қонун йўл қўйган асосларда, доирада ўз мол-мулкига ўзи эгалик қилади, ўзи фойдаланади ва ўзи тасарруф этади. Бу мулкдорнинг конституциявий ҳуқуқидир. Унга ташқи томондан тазйиқ ўтказишга, унинг ички ишларига аралашишга, мол-мулкини олиб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Ҳаттоки мулкдорнинг ўз ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечиши ҳам унинг мулк ҳуқуқини бекор қилмайди. Мулкнинг дахлсизлигига путур етказилганда бевосита мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, шунингдек суд тартибида ҳам ҳимоя қилинади.

Республикамизда мулк ислоҳотини амалга оширишнинг зарурати нималарда эди?

Республикада мулк ислоҳотини амалга оширишнинг зарурати қуйидаги ҳолатлар билан изоҳланади:

- мулкнинг ҳаддан ташқари марказлашуви ва унинг мавҳум субъект –давлат қўлида тўпланиши;

- умумхалқ (давлат) мулки ҳисобланган мулк шаклига алоҳида имтиёзли мақом белгилаш, уни қайтариб олишга нисбатан ҳатто даъво муддатларини қўлламаслик;

- мулкнинг бошқа шаклларини зўрлик билан давлат мулкига қўшиб олиш ва оқибатда унинг "ҳокими мутлоқ"лигини таъминлаш;

- маъмурий-буйруқбозлик тизимининг иқтисодий ричаги бўлган давлат мулкининг қаровсиз ва хўжасиз қолиб кетиши. Чунки у ҳамманики ва айни вақтда ҳеч кимники ҳам эмасди. Кишиларда бу мулкка нисбатан хўжасизлик туйғуси ва ундан бевосита манфаатдорлик йўқлиги давлат мулкига нисбатан ташмачилик, талон-тарож, хўжасизликнинг урчиб кетишига сабаб бўлганди;

- иқтисодий ва сиёсий мустақилликнинг пишиб етилиши ва амалда давлат мустақиллигининг воқеликка айланиши;

- янгича иқтисодий муносабатларга, яъни ўзини ўзи бошқарадиган, ҳаракатлантирадиган бозор муносабатлари тартибига ўтилиши.

## Мулк қандай ҳолларда мулкдордан олиб қўйилади?

Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, яъни мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирувчи мол-мулкни хўжасизларча сақлаган ҳолда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади.

қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади.

Ашёларга нисбатан эгалик ҳуқуқи баъзи ҳолларда мулк эгасининг эркидан ташқари ҳам бекор бўлиши мумкин. Масалан, ашёлар табиий офатлар, ёнғин, сув тошқини, зилзила натижасида тасодифан нобуд бўлишида мулк ҳуқуқи мулк эгасининг эркига боғлиқ бўлмаган ҳолда бекор бўлади.

## Ўзбекистонда ерга нисбатан мулк ҳуқуқи

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, ер умуммиллий бойлик ҳисобланади. Шунга кўра, у доим давлат муҳофазасида ва назоратидадир.

Ер мулк ҳуқуқи асосида давлатга тегишлидир. Қолган субъектларга ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлади.

Қуйидаги ҳолларда:

- савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари, шунингдек улар жойлашган ер участкалари, жисмоний ва юридик, шу жумладан хорижий шахсларга танлов асосида (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида);

- фуқароларнинг мерос қилибқолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун якка тартибда уй-жой қуришга 0,04 гектаргача, шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишга 0,06 гектаргача ер майдони кимошди савдоси асосида (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармонида);

- Қорақалпоғистон Республикасида халқ хўжалигида фойдаланилмаётган ер майдонлари, шунингдек, зарар кўриб ишлаётган ва паст рентабелли қишлоқ хўжалик корхоналарининг ерлари, тажриба тариқасида, фуқароларнинг мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилишлари учун кимошди савдоси ва танлов асосида, бунда ажратиладиган ер майдонлари суғориладиган ерларда 5 гектардан ва суғорилмайдиган ерларда 15 гектардан ошмаслиги зарур (Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармонида);

- дипломатия ваколатхоналари ва уларга тенглаштирилган, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган халқаро ташкилотларнинг ер участкалари уларга ўзлари ваколатхона биноси сифатида фойдаланаётган иморат ёки иморатнинг қисмлари, шу жумладан ваколатхона бошлиғининг қароргоҳи, улар жойлашган ер участкалари билан бирга, шунингдек мазкур ваколатхоналарнинг иморатларини қуриш учун ер участкалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексида);

- чет эллик юридик ва жисмоний шахслар – дипломатия корпуси ходимларининг, Ўзбекистон Республикасида аккредитация қилинган матбуот вакилларининг, фирмалар, компаниялар ва халқаро ташкилотлар доимий ваколатхоналари ходимларининг, чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарда доимий асосда ишловчи шахсларнинг, шунингдек республикада доимий истиқомат қилувчи ва яшаш учун гувоҳномаси бўлган шахсларнинг ер участкалари уларга уй-жой бинолари шу бинолар жойлашган ер участкалари билан бирга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда реализация қилинган, яъни сотилганда мулк ҳуқуқи вужудга келади (Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси).

## Уй-жойга бўлган хусусий мулк ҳуқуқи

Амалдаги қонунчилик уй-жой деганда, фуқароларнинг доимий яшашига мўлжалланган, белгиланган санитария, ёнғинга қарши, техник талабларга жавоб берадиган жойларни назарда тутади. Уй-жойлар кўчмас мулк ҳисобланади.

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи муддатсиз бўлиб, унинг мулкдори ўзга шахслар (ўзга фуқаролар, ташкилотлар ва давлат)нинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда эгалик қилиши, фойдаланиши ва тасарруф қилиши мумкин.

Янги ажратилган ер участкасида қурилаётган уй-жойга мулк ҳуқуқи уни давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Демак, ажратиб берилган ер участкаси давлат мулки бўлиб, у фуқароларга ва ташкилотларга ашёвий ҳуқуқ асосида тегишли бўлади (мерос қилиб қолдириладиган ер участкасига умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи тарзида).

Уй-жойга бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ашёвий ҳуқуларни амалга ошириш давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Уй-жойлар билан боғлиқ битимлар (олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш, мерос, гаров) албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тартибда гувоҳлантирилган бўлиши ҳам лозим.

## Фуқароларнинг шахсий ва хусусий мулки: уларнинг бирлиги ва ўзига хослиги

Энг аввало, қонунчилик фуқаролар деганда, Ўзбекистон Республикаси фуқароларини, чет эл фуқароларини, фуқаролиги бўлмаган шахсларни назарда тутади. Агар қонунда айрим истиснолар назарда тутилмаса, демак, уларнинг барчаси Ўзбекистонда мулкдор бўлиши мумкин.

Бугунги кунда фуқаролар мулкининг таркиби ҳисобланган шахсий ва хусусий мулк ўртасида айтарли фарқ, чегара қолмади. қонунчилик талаби ва шароит шундайки, фуқаронинг битта объект ҳисобланган мол-мулки бир пайтнинг ўзида унга ҳам шахсий мулк, ҳам хусусий мулк тарзида тегишли бўлиши мумкин. Масалан, кишининг қўл соати, костюм-шими каби. Улар ҳам шахсий мулк (кишининг шахсий эхтиёжларини қондирганидан), ҳам хусусий мулк (маълум муддат ўтиб, уни муайян суммага сотиб юбориши, пировардида, даромад орттиришидан)дир. Шахсий ва хусусий мулкнинг умумийлиги ҳақида қанча кўп гапирмайлик, индивидуал жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, шахсий мол-мулкка қарздорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув қаратилмайди.

Умуман, фуқаро мулки хусусий мулкнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мулкнинг бошқа турларига нисбатан қуйидаги афзалликларга эга:

1.Мулкдор ҳар доим конкрет шахс бўлади;

2.Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан энг яқин киши ҳисобланади ва шу сабабли ҳам унга таъсир қилишда устунликларга эга;

3.Бундай мол-мулк ташмачилик, ўғрилик, хўжасизликнинг қурбони бўлиш эҳтимолидан узоқ бўлади.

Қонунчиликка кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир. Бошқача айтганда, хусусий мулкнинг бу турини фуқароларга якка тартибда тегишли бўлган мол-мулк маъносида тушуниш керак. Бу мулкнинг энг асосий белгилари мол-мулкка нисбатан мулкдор якка шахс, яъни фуқаро эканлиги ва у мол-мулкка нисбатан ўз ҳуқуларини хусусий тарзда амалга оширишга ҳақли эканлигидир. Хусусий тарзда амалга ошириш деганда, мулк соҳиби бўлган шахснинг бошқа ҳар қандай шахслардан рухсат олмай, ўз хоҳишига кўра, мулкий ҳуқуларни амалга ошириши тушунилади. Фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини эътироф этилиши ёлланма меҳнатни қўллаш асосида фойда олиш мақсадини кўзлаб ишлаб чиқариш воситаларига, корхоналарга эгалик қилиш имкониятларига кенг йўл очди. Айни вақтда хусусий мулк ҳуқуқини фуқаронинг ўзига якка тартибда тегишли мол-мулкка нисбатан эрк-иродасини амалга оширишда мутлоқ хоҳишини рўёбга чиқариш маъносида тушунмаслик лозим. Хусусий мулк эгаси ўз ҳуқуларини амалга оширишда умумий қоидага кўра, атроф-муҳитга зарар етказмаслиги ва бошқа мулкдорларнинг манфаатларини бузмаслиги лозим.

Фуқаролар мол-мулки билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар мамлакатимизда Конституция, Фуқаролик ва Оила кодекслари, Мулкчилик, Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари, Фермер хўжалиги, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги қонунлар ва кўплаб қонуности ҳужжатлари (фармонлар, қарорлар) билан тартибга солинади.

## Мулкий ҳуқуқ кафолатининг "биринчи" қоидаси

Ўзбекистон Республикаси мулкчилик муносабатларининг барқарорлигига кафолат беради. Шунга кўра, мулкдорнинг мол-мулкини мажбуран тортиб олишга йўл қўйилмайди. Бироқ қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- мусодара, яъни қонунда назарда тутилган ҳолларда мол-мулкнинг суд қарорига мувофиқ жиноят ёки ўзга ҳуқубузарлик қилганлик учун ҳақ тўламасдан мулкдордан олиб қўйилиши;

- ундирув суднинг ҳал қилув қарорига кўра мажбуриятнинг ижросига қаратилганда;

- реквизиция, яъни табиий офатлар, авариялар, эпидемиялар, эпизоотиялар юз берган тақдирда ва фавқулодда тусдаги бошқа вазиятларда мол-мулк жамият манфаатларини кўзлаб, давлат ҳокимияти органи қарорига мувофиқ мулкдордан унга мол-мулкнинг қийматини тўлаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида олиб қўйилади. Шуни ҳам эслатиш ўринлики, реквизиция ўтказилишига сабаб бўлган вазиятларнинг амал қилиши тўхтаганидан кейин реквизиция қилинган мол-мулкнинг собиқ эгаси сақланиб қолган мол-мулкни ўзига қайтариб беришни талаб қилишга ҳақлидир.

## ..."иккинчи" қоидаси

Ўзбекистон Республикаси мулкий ҳуқуни бекор қиладиган қонун ҳужжати қабул қилган тақдирда ана шу ҳужжат қабул қилингандан етказилган зарар ихтиёрий суръатда ёки суд тартибида мулкдорга тўла ҳажмда тўланади.

## ..."учинчи" қоидаси

Қонун барча мулкдорларга, яъни Ўзбекистон Республикасининг ва бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига уларнинг мулкий ҳуқуларини ҳимоя қилиши учун тенг шароитлар яратиб беради.

**Икром ЗОКИРОВ,**
**юридик фанлари доктори,**
**Миродил БАРАТОВ,**
**юридик фанлари номзоди**





# «Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

## БУ БАРЧАНИ ҚИЗИҚТИРАДИ

### Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: Ёшим 55 да. 32 йиллик умумий меҳнат стажига эгаман, шундан 16 йили сайлаб қўйиладиган органларда 16 йили эса педагогик фаолиятимга тўғри келади. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?***

**Б.СУННАТОВ,**
**Самарқанд вилояти**

**ЖАВОБ**: Педагок ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 12-моддаси «к» бандига асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 3-рўйхатининг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан, камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Сизнинг педагоглик фаолиятингиз 16 йил бўлганлиги сабабли бу имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмассиз.

***САВОЛ:15 фоизлик моддий рағбатлантирув кимларга берилиши ҳақида маълумот берсангиз.***

**У.НОРҚУЛОВ,**
**Бахмал тумани**

**ЖАВОБ**:Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 16 августдаги 1273-сонли Фармонига асосан бюджет ташкилотларида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фонди барча корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкиллаштирилади. Ушбу 15 фоизли модий рағбатлантириш Республика бюджети ҳисобидан ташкиллаштирилиб, йил охирида келгуси йил учун сменага киргизилади ва тасдиқланади. 15 фоизли моддий рағбатлантириш жамғармаси мукофот сифатида тақсимланади. Мукофот юбилей саналарида, байрам кунларида ва ҳисобот даврининг якунлари учун тўланиши мумкин. Яна ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажариш ва юқори малакали ходимларга ойлик иш ҳақига қўшимча сифатида тақсимланади. Иш сифати камайганда, ёмонлашганда ёки берилган вазифа ўз вақтида бажарилмаганда ёхуд меҳнат интизомига риоя қилинмаганда бу моддий рағбатлантирув пули берилмаслиги ҳам мумкин.

## ОЙДИНЛАШТИРИБ БЕРИНГ

***САВОЛ: Педагоглик стажим 28 йил. Уч нафар фарзандим бор, олий маълумотлиман. Ёшим 51 да, III гуруҳ ногирониман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?***

**Н.ДЎСТМУРОДОВА**
**Сайхунобод тумани**

**ЖАВОБ**: Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 12-моддаси «К» бандига асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар 3-рўйхатининг VII-қисмига биноан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўладилар. Унда III-гуруҳ ногиронлари имтиёзли пенсияга чиқувчилар рўйхатида назарда тутилмаган.



## АЖРАТМАЛАР ТЎЛАШДАН ҚАЙСИ КОРХОНАЛАР ОЗОД ЭТИЛГАН?

### Саволингизга ҳуқуқшунос Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: қайси турдаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этилган?***

**Б.ҚЎШОҚОВ**
**Балиқчи тумани**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қуйидаги корхона ва ташкилотлар иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

– ногиронлар жамоат ташкилотларига қарашли ўқув-ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш корхоналари;

– протез-ортопедия буюмлари ишлаб чиқаришга, ногиронларга протез қўйиш бўйича хизматлар кўрсатишга ихтисослаштирилган корхоналар;

– тарбия ва таълим муассасалари ҳузуридаги ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналари;

– бюджет таъминотидаги театр-томоша ташкилотлари иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар тўлашдан озод этиладилар.

## Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

## ЛЎНДА ТУШУНЧА

***САВОЛ: қайси касалликлар касб касалликларига киради?***

**З.АЛЛОБЕРГАНОВА,**
**Беруний тумани**

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорининг 6 - иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган. Бу касалликлар қуйидаги 7 та бўлимга бўлинади:

1.Заҳарли кимёвий моддалар таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

2.Саноат аэрозоллари ва чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

3.Физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

4.Алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

5.Биологик омиллар натижасида келиб чиқадиган касалликлар;

6.Кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар, дори-дармонлар, вақкиналар, биология табиати моддалари, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари таъсирида пайдо бўладиган касалликлар;

7.Иш жойида канцероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган янги ўсимталар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликларнинг ҳар бирининг бир неча турлари мавжуд бўлиб, уларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин. Касб касаллигига нафақат рўйхатда кўрсатилганлар, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда аниқланган зарарнинг таъсир қиладиган шароитда ҳар бирининг қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 - июндаги 317-сонли қарори билан тасдиқланган Низом асосида ишловчи махсус тузиладиган тиббий меҳнат экспертиза комиссиялари у ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини ҳал қиладилар.

***САВОЛ:1992 йилдан буён I гуруҳ касб касаллиги ногирониман. Ҳар йили Тошкент илмий текшириш касб-касалликлари институтига даволаниш учун бориб тураман. Ишхонамдан ҳар ойда товон пули олиб тураман. Лекин муассаса раҳбарлари дори-дармон, йўл харажатлари, иқтисодий ёрдам беришдан бош тортишмоқда. Умуман корхона товон пулидан ташқари менга яна қандай тўловлар берилиши керак?***

**Р.СОДИҚОВ,**
**Поп тумани**

## КАСБ КАСАЛЛИГИГА ЧАЛИНГАНЛАРГА ИМТИЁЗЛАР

**ЖАВОБ**: Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 1 февралдаги 48-сонли қарори билан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тартиблари тасдиқланган. Ушбу тартибнинг III бўлими .19 - қисмида меҳнат жароҳатлари туфайли қилинган қўшимча харажатларни жабрланувчига тўлаш тартиби белгиланган. Унга биноан етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи жабрланувчига ўртача ойлик иш ҳақидан ташқари, меҳнат жароҳати туфайли қилинган қўшимча харажатларни ҳам тўлашга мажбурдир. Тўланадиган бундай харажатларга протезлаш, жабрланувчини парвариш қилиш, санаторий-курортда даволаниш, шунингдек, даволаниш жойига бориш ва келиш учун сарфланган йўл харажатлари, зарур ҳолларда эса жабрланувчини кузатиб борувчи шахснинг ҳам йўл харажатлари махсус транспорт воситалари ва бошқаларни сотиб олиш (агар у ТМЭК томонидан ёрдамнинг ушбу турларига муҳтож деб топилган ва уларни тегишли ташкилотлардан бепул олмаган тақдирда), шунингдек, жабрланувчи билан иш берувчи ўртасида зарарни тўлаш бўйича низо пайдо бўлганда ҳамда бу низо жабрланувчи фойдасига ҳал бўлган ҳолларда адвокат ёллаш учун (давлат томонидан белгиланган нархлар бўйича) қилинган харажатлар киради. Шуни айтиш жоизки I гуруҳ ногиронлари учун ТМЭКнинг «ўзганинг парваришига муҳтож»лиги ҳақидаги хулосаси талаб қилинмайди (улар махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган ҳоллар бундан мустасно).

Ёрдамнинг бир нечта турларига муҳтож бўлган жабрланувчига ёрдамнинг ҳар бир турини олиш билан боғлиқ харажатлар тўланади.

Юқорида айтиб ўтилган тартибнинг III бўлим 20-қисмида қўшимча харажатлар миқдори тегишли ташкилотларнинг ҳисоб рақамлари ва бошқа ҳужжатлар асосида ёхуд жабрланувчи томонидан ушбу харажатлар қилинган вақтидаги нархларга мувофиқ аниқланиши белгиланган.

Махсус тиббий парваришга муҳтож бўлган жабрланувчилар учун қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг икки баравари миқдорида белгиланади. Уй шароитида парвариш қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатлар энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланади. Шунингдек, ҳам махсус тиббий, ҳам уй шароитида парваришга муҳтож бўлган жабрланувчига уй шароитидаги парвариш билан боғлиқ харажатлар махсус тиббий парвариш харажатларига қўшимча равишда тўланади. Жабрланувчини парвариш қилиш учун қўшимча харажатлар,уларнинг ким томонидан амалга оширилишидан қатъи назар тўланади.

Махсус транспорт воситаларининг сотиб олиш ва уларни асосли тузатиш учун харажатлар уларнинг қиймати доирасида тўланади. Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиш натижасида етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш тўғрисидаги тартиби III бўлим 21-қисмида жабрланувчининг санаторий-курортда даволанишига муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси мавжуд бўлган тақдирда унга ҳар йилги меҳнат таътилидан ташқари, даволаниш учун қўшимча таътил берилади. Даволаниш учун берилган таътил вақти учун тўлов ҳар йилги таътил тўлови учун белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Даволаниш давридаги зарарни тўлаш умумий асосларда амалга оширилади.

Жабрланувчи, шунингдек, уни кузатиб борувчи шахснинг йўлкира харажатларини тўлаш миқдори хизмат сафари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланади.

## ХОДИМНИ ИШДАН БЎШАТИШДА ҚАЙ ҲОЛЛАРДА КАСАБА УЮШМА РОЗИЛИГИ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ ВА ҚАЙ ҲОЛЛАРДА ТАЛАБ ЭТИЛМАЙДИ

### Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: 1.Ёшга доир пенсияга чиққанимдан кейин ўрнимга ўзим бажараётган «Ветсанитар» лавозимини касб-ҳунар коллежининг «Зооветеринария» бўлимини битирган ўғлимга топширишим мумкинми?***

***2.Ходимни касаба уюшма қўмитасининг розилигини олмай қайси ҳолларда вазифасидан озод қилиш мумкин ва қайси ҳолларда мумкин эмас?***

***3.Касаба уюшмаси раисини ҳеч қандай мажлис қарори бўлмай вазифасидан озод қилиш мумкинми? Уларни ваколати тугамасдан олдин вазифасидан озод қилиш тартиби қандай?***

**Ш.ХЎЖАЛИЕВ,**
**Чироқчи тумани**
**Пахтакор ширкат хўжалиги**

**ЖАВОБ:** Мавжуд қонунчилигимизга биноан, агарда сиз ёшга доир пенсияга чиқиб ишдан бўшасангиз, касб-ҳунар коллежининг зооветеринария бўлимида ўқиётган ўғлингизни ветеринар лавозимига ишга қабул қилиш масаласи ЎзР МКнинг 72-моддасига мувофиқ иш берувчи билан ўғлингиз ўртасидаги келишувга асосан ҳал қилинади.

2.Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмасдан туриб ҳам бекор қилиниши мумкинлиги меҳнат қонунчилигида назарда тутилган. Булар қуйидагилардан иборат:

– ЎзР МКнинг 99-моддасига асосан ходим ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у меҳнат шартномаси номуайян муддатга ёки маълум бир муддатга тузилганлигидан қатъи назар, икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда огоҳлантириши зарур.

Огоҳлантириш муддати давомида ходим ўз аризасини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Агар иш берувчи билан ходим ўзаро келишган бўлса, огоҳлантириш муддати тугамасдан олдин ҳам меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкин.

Меҳнат шартномасини ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиш тўғрисидаги ариза у ўз ишини ўқишга қабул қилинганлиги, пенсияга чиққанлиги, сайлаб қўйиладиган лавозимга сайланганлиги, бошқа вилоят ва республикага кўчиб кетиши натижасида давом эттиришнинг имкони йўқлиги билан боғлиқ бўлса, иш берувчи меҳнат шартномасини ходим илтимос қилган муддатда бекор қилиши керак.

– МКнинг 84-87-моддаларида ишга қабул қилишда дастлабки синов муддати ўрнатилишининг тартиб-қоидалари кўрсатиб ўтилган. Дастлабки синов муддати уч ойгача ўрнатилиши мумкин ва уни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши зарур. Агар меҳнат шартномасида синов муддати кўрсатилмаган бўлса, ёки бу ҳақда шартлашилмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланади. Дастлабки синов муддати ўрнатишдан асосий мақсад – биринчидан ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш, – иккинчидан ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келишидан иборат.

Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва унинг узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган даврлари дастлабки синов муддатига киритилмайди.

Дастлабки синов муддати даврида ходимларга меҳнат тўғрисидаги қонун талаблари ва муассасада ўрнатилган меҳнат шартлари тўлиқ татбиқ қилинади ва бу давр уларнинг меҳнат стажига киритилади. Амалдаги қонун талабларига кўра ходим муассасада бир вазифадан бошқа бир вазифага ўтказилганда, меҳнат шартномасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилганда унга синов муддати ўрнатилмайди ва МКнинг 5-моддасига асосан у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Дастлабки синов муддати тугагунга қадар ҳар бир тараф иккинчи тарафни уч кун олдин ёзма равишда огоҳлантириб, меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлидир. Бундай ҳолда иш берувчи меҳнат шартномасини фақат синов натижаси қониқарсиз бўлгандагина бекор қилишга ҳақли.

– МКнинг 89-моддасига биноан иш берувчи ходимнинг розилигисиз меҳнат шартларини ўзгартиришга фақат технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишдаги ўзгаришлар, ишлар ҳажмининг қисқарганлиги, башарти, бундай ўзгаришлар ходимлар сони ёки ишлар хусусиятининг ўзгаришига олиб келиши олдиндан аниқ бўлган ҳолларда ҳақлидир.

Иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт.

Ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганда у билан тузилган меҳнат шартномаси МКнинг 89-моддаси 4-қисми билан бекор қилинади ва бу ўринда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши талаб қилинмайди. Чунки бу асос иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга тегишли эмас ва бу ходимнинг ўзининг қарорига боғлиқдир.

– МКнинг 105-моддасига асосан муддатли меҳнат шартномаси (МК 75-модда) муддати тугаши билан бекор қилинади.

Агар меҳнат шартномасининг муддати тугагандан кейин ҳам меҳнатга оид муносабатлар давом этаверса ва иш берувчи ҳам, ходим ҳам бир ҳафта давомида унинг бекор қилинишини талаб қилмаса (буйруқ чиқарилмаса) меҳнат шартномаси номуайян муддатга узайтирилган деб ҳисобланади. Меҳнат шартномаси муддати тугаши муносабати билан бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмайди, ҳатто бу масала жамоа шартномасига ҳам киритилиши мумкин эмас. Чунки қонунчиликда фақат иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Муддати тугаши билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бундай асосга тааллуқли эмас.

– Юқорида кўрсатиб ўтилганлардан ташқари ходим ҳарбий ёки муқобил хизматга чақирилган тақдирда, ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек, ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланган тақдирда, ходимни шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланганда, ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидалар бузилганлиги муносабати билан, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса меҳнат шартномасини бекор қилишда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмайди.

– Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан корхона тугатилиши муносабати билан, корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг розилигини олиш талаб қилинмайди. Биз қайси ҳолларда ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг розилиги олинмаслиги тўғрисида сўз юритдик. Энди қандай ҳужжатлар асосида ва қайси асослар бўйича меҳнат шартномаси бекор қилинганда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши зарурлиги тўғрисида тушунтириш берамиз:

МКнинг 101-моддасига мувофиқ меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан, яъни МКнинг 100-моддаси II қисмининг бандларида кўрсатилган асосларга кўра ходимлар вазифасидан озод қилинишидан олдин, агар жамоа келишуви (юқори хўжалик органи ва юқори касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилади) ёки жамоа шартномасида (иш берувчи ва касаба уюшма ташкилоти ўртасида тузилади) касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига йўл қўйилмайди.

Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш МКнинг 100-моддаси 2-қисмида кўрсатиб ўтилган: – технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги;

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузганлиги. Аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходимга интизомий жавобгарлик қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такрор интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши, меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузганлиги (унинг рўйхати ички меҳнат тартиби қонунларида кўрсатилиши керак).

Ходимни иш берувчининг ташаббуси билан вазифасидан озод қилиш учун розилик олиш тўғрисидаги касаба уюшма қўмитасига хат билан мурожаат қилиш бевосита муассаса раҳбари ёки ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан бажарилади.

Касаба уюшма қўмитаси иш берувчининг мурожаатини ўн кун муддат ичида кўриб чиқиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Устави асосида қарор қабул қилади. Иш берувчи касаба уюшма қўмитасининг ходимни вазифасидан озод қилишга розилик берган қарорини олгандан кейингина ходимни вазифасидан озод қилиш тўғрисида буйруқ чиқаришга ҳақли.

Агар иш берувчининг ташаббуси билан ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда қонун ва меъёрий ҳужжатларда касаба уюшма қўмитасининг олдиндан розилиги олиниши талаб қилинса-да, лекин иш берувчи ходимни бундай розиликни олмай туриб вазифасидан озод қилса, бу ноқонуний ҳисобланади. Бу ҳақда ходим МКнинг 269-270-моддалари талабларига асосан ариза билан судга мурожаат қилса, у албатта ўз вазифасига тикланади ва МКнинг 275-моддасига мувофиқ суд ходимнинг мажбуран бекор юрган вақти учун ўртача иш ҳақи ҳисобидан ҳақ ундириб беради ҳамда унинг ушбу бекор юрган даври меҳнат стажига қўшилади.

– Энди иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишидаги ноқонуний ҳаракатлари учун жазо бериш масаласига келсак, суд МКнинг 274-моддасига мувофиқ иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда қонунни очиқ-ойдин бузганлиги учун ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, ходимга бериладиган ҳақни тўлаш мажбуриятини иш берувчига юклаши мумкин. Унинг миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ошиб кетмаслиги керак. Агар суд ўзининг ажримида иш берувчини меҳнат шартномасини бекор қилишда меҳнат қонунчилиги талабларини қўпол равишда бузганлиги, натижада ходим мажбуран бекор юрган вақтига ўртача ҳақ тўлаш шарти билан ўз вазифасига тикланганлиги ва юқори хўжалик ташкилоти раҳбаридан иш берувчига нисбатан интизомий жазо чоралари қўллаш кераклиги кўрсатиб ўтилса, касаба уюшма қўмитасининг розилигини олмай туриб, ходимни вазифасидан озод қилган мансабдор шахсга нисбатан МКнинг 181-моддасида кўрсатилган интизомий жазо чораларини қўллаши, ҳатто уни вазифасидан озод қилиши мумкин.

МКнинг 9-моддасига асосан муассасанинг касаба уюшма ташкилоти муассасада меҳнат қонунчилигига тўлиқ риоя қилиниши бўйича назорат олиб бориши ва ходимларни ноқонуний вазифасидан озод қилинишининг олдини олиш бўйича барча чора-тадбирлар кўриши зарур.

3.Касаба уюшма раисини ваколати тугамасдан олдин вазифасидан озод қилишда албатта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг Устави талабларига тўлиқ риоя қилиниши зарур. Унга кўра касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиси, касаба уюшма ташкилотчиси, касаба уюшма органининг муддатидан олдин сайланиши касаба уюшма ташкилотига бирлашган касаба уюшма аъзоларининг камида учдан бир қисмининг талабига ёки юқори касаба уюшма органининг қарорига биноан, шунингдек, касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиси, касаба уюшма ташкилотчиси, касаба уюшма органининг ўз ташаббуси билан ўтказилади. Агар Уставнинг бу тартиби бузилиб, касаба уюшмаси раиси вазифасидан озод қилинса, бундай ҳужжат ноқонуний ҳисобланиб, у ўз вазифасига тикланади. Юқори касаба уюшма ташкилоти томонидан ноқонуний ҳужжат қабул қилган шахсга интизомий жазо чораси қўллаш тўғрисидаги қарори юқори хўжалик органига топширилади ва у айбдор шахсга нисбатан албатта тегишли интизомий жазо чораси қўллаши зарур.

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

**Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади**

Қорақалпоғистон Республикасида:
**«ГУЛПАРШИН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниш мумкин

**«АЙДОС ҚАЛА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент шаҳрида:
**ОАЖ «ТУРОН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**ОАЖ «ЧИНОБОД» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қандли диабет ва гинекологик касалликлар

Хоразм вилоятида:
**«ХОНҚА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари

Тошкент вилоятида:
**«БОТАНИКА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«УМИД ГУЛШАНИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик ва андрологик касалликлар

**«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Самарқанд вилоятида:
**«АБУ АЛИ ИБН СИНО» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Андижон вилоятида:
**МЧЖ «МАРҲАМАТ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб ва сурункали тери касалликлари

Бухоро шаҳрида:
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), таянч-ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар

Жиззах вилоятида:
**«ЗОМИН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари

Фарғона вилоятида:
**МЧЖ «ЧИМЁН» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Қашқадарё вилоятида:
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, таянч-ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар

**МЧЖ «МИРОҚИ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлар
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин

Наманган вилоятида:
**МЧЖ «ЧОРТОҚ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиш, таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича она ёки ота 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**МЧЖ «КОСОНСОЙ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак қон-томир, асаб тизими, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари

**МЧЖ «НИҲОЛ» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Таянч-ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари

**Даволаниш муддати – 18 кун**
**БИЗНИНГ ЙЎЛЛАНМАЛАРИМИЗ МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ АРЗОН ЙЎЛЛАНМАЛАРДИР!**

*Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, ҳамдўстлик мамлакатлари курортларига йўлланмалар олишингизда ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.*
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 24-уй. Мурожаат учун телефонлар 56-85-68, 56-70-97.




## ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» сообщает информацию о раскрытии существенных факторах ПОРЯДКОВЫЙ НОМЕР СООБЩЕНИЯ – 09

***Решение годового Общего собрания акционеров***

*Вид общего собрания – годовое;*
*Форма проведения общего собрания – очная;*
*Дата проведения годового общего собрания акционеров – 23 июнь 2005 г.;*
*Место проведения годового общего собрания акционеров – г.Ташкент, ул.С.Толипова (бывшая Мирзо Хайдара), д 3;*
*Кворум внеочередного общего собрания акционеров – 81038 голосов 97,31 %*

*Вопросы, поставленные на голосование и итоги голосования по ним.*

*1.Утверждение количественного и персонального состава счетной комисии и регламент проведения годового Общего собрания акционеров. По данному вопросу присутствующим было предложено проголсовать*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов; «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили утвердить:*
** Счетную комиссия в составе: Фаткулина Н.А., Ковзарева Р.К. Голубева Л.В.*
*– представитель реестродержательской фирмы ООО «TAT-REESTR».*
*2.Отчет Директора ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» о результатах финансово-хозяйственной деятельности общества по итогам 2004 года.*
*Проголосовали: «За» –80835 голосов; «Против» – 203 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Признать работу Директора в 2004 году неудовлетворительной и утвердить отчет о результатах финансово-хозяйственной деятельности.*
*3.Утверждение заключение аудиторской проверки и акта ревизионной комисии по проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*Проголосовали: «За» – 81038; «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Утвердить заключение аудиторской проверки и акта ревизионной комисии по проверки финансово-хозяйственной деятельности ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*4.Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса отчета о прибылях и убытках ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*Проголосвали: «За» – 81038 голосов; «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Утвердить годовой отчет и бухгалтерский баланс, отчет о прибылях и убытках ОАО «Утверждение годового отчета, бухгалтерского баланса, отчета о прибылях и убытках ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*5.Отчет председателя Наблюдательного совета ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» по итогам работы в 2004 г.*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов; «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Признать работу Наблюдательного совета ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» с оценкой удовлетворительно.*
*6.Распределение прибыли за 2004 год.*
** 5% от чистой прибыли, в размере 7,95 тыс. сум. направить на формирование Резервного фонда;*
** оставшуюся часть 95 % от чистой прибыл, в размере 143,1 тыс. сум направить на развитие производства.*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов; «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Утвердить порядок распределения чистой прибыли общества за 2004 г.*
*7.Перевыборы состава Наблюдательного совета ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*Ахмедов Б.Г. – 80987 голосов; Валиев А.А. – 258 голосов; Каплинская А.М. – 51 голосов; Мхитарян Н.П. – 207 голосов; Шашков Д.А. – 80831 голосов; Геворкян Б.Г. – 80780 голосов.*
*Решили: Избрать в новый состав Наблюдательного совета ОАО «Перевыборы состава Наблюдательного совета ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» в составе 3 членов: Ахмедов Б.Г, Шашков Д. А, Геворкян Б. Г.*
*8.Перевыборы состава Ревизионной комисии ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов, «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Избрать в новый состав Ревизионной комисии ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» в составе 3 членов: Богачкина Л.Н, Евдокимова С.В, Большакова О.В,*
*9.Утверждение бизнес-плана развития на 2005 г. ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов, «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Утвердить бизнес-план развития на 2005 г. ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI».*
*10.Утверждение вновь избранного директора ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» и заключение с ним на 2005-2006 гг. договора о найме.*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов, «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Избрать нового директора и заключить договор найма с директором ОАО «4-son TA'MIRLASH QURILISH YIG'ISH BOSHQARMASI» Алиевым Ф.А. сроком на один год до следующего Общего собрания акционеров.*
*11.Утверждение аудиторской организации на 2005 г. и определение предельного размера ее оплаты.*
*Проголосовали: «За» – 81038 голосов, «Против» – 0 голосов; «Воздержались» – 0 голосов.*
*Решили: Утвердить в качестве аудитора Общества в 2005 году, аудиторскую компанию ЧФ «IL-SAN-AUDIT» и предельный размер оплаты её услуг не более 500 000 сум.*

Паҳлавон МАҲМУД

## Рубоийлар

*Йўлингда асо қуруқ таёқ, айт, не керак?*
*Йўлингда юрак юрар, оёқ, айт, не керак?*
*Ҳар неча қоронғу эса-да, ушбу йўл,*
*Иймон била равшан, ки, маёқ, айт, не керак?*

* * *

*Тупроқни ватан тутгучи бир эр менман,*
*Ўлмак нима, билмай ўкраган шер менман.*
*Юз йил яшабон бўлса-да бошим осмон,*
*Ер менман... ер манман ... ер менман...*

* * *

*Рўйи замин аҳли аро бахтли қани?*
*Ўз нафсини тизгинлаган, оҳ, жаҳдли қани?*
*Эл барча емак-ичмак ила оввора*
*Оҳ, ҳамма қорин аҳли... Юрак аҳли қани?*

* * *

*Йўқ андуҳимиз, нега хуш айём таъма,*
*Чошгоҳ эса, дейлик, не учун шом таъма?*
*Ҳар нарса келар бизга пишиб ғойибдан,*
*Ҳеч кишидан бўлмадик ҳеч хомтаъма.*

* * *

*Ҳеч қилма таъма, азоб бериб жонингга,*
*Мулкингни ярат, эришгил ўз шонингга.*
*Ўз ковагингга кир илон бўлсанг гар,*
*Чун, бўлсанг агар қуш, қўн ошёнингга.*

* * *

*Йўлинг сенинг оқ. Бил, бу қадар оқ йўл йўқ,*
*Бундай зафару шонга муваффақ йўл йўқ.*
*Ғофилу ожизга бу золимлар ўч,*
*Хушёр ва кучли бўл. Бўлак ҳақ йўл йўқ.*

* * *

*Ҳақ дўст, дея жим тортса фиғон дўст – чин дўст,*
*Қилгувчи ибодатни ниҳон дўст – чин дўст.*
*Кўз-кўзлама ҳеч бергани олган нонинг,*
*Нон дўсти эмас, аслида жон дўст – чин дўст.*

Форсийдан Матназар АБДУЛҲАКИМ таржимаси





Олтинкўл туман халқ таълими бўлимига қарашли «Саодат» мактабгача таълим муассасасида 115 нафар болажонлар тарбияланишади. Уларга 14 нафар тажрибали тарбиячилар ғамхўрлик қилишмоқда. Барча қулайликларга эга ушбу масканда жажжи ўғил-қизларнинг жисмонан баркамол бўлиб вояга етишишларига катта эътибор қаратилмоқда. Тарбияланувчилар ўртасида турли қизиқарли спорт мусобақалари ўтказиб келинаяпти.

**Суратларда: мактабгача таълим муассасаси ҳаётидан лавҳалар.**

**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**

*Спорт-тест*

### КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Биринчи ёзги Олимпиада ўйинлари қачон, қаерда ўтказилди?**

а) Афина 1896 йил 6 апрел
в) Париж 1894 йил 15 март
c) Қобул 1897 йил 20 декабр
d) Вашингтон 1889 йил 12 декабр



**2. Миллий кураш бўйича учинчи жаҳон чемпионати ғолиби**

а) О.Тоймуродов
в) М.Маҳмудов
c) Б.Авазов
d) Д.Маҳмудов

**3. Ўзбекистоннинг волейбол бўйича ХХ асрдаги энг буюк спортчиси**

а) Л.Павлова
в) В.Дюнова
c) Ю.Абдуллаева
d) М.Тоирова

**4. Халқаро кураш ассоциацияси қачон ташкил этилди?**

а) 1997 йил 10 май
в) 1998 йил 6 сентябр
c) 1999 йил 12 ноябр
d) 2000 йил 25 октябр

**5. Ўзбекистонда футбол жамоаси илк бор қачон ташкил этилган?**

а) Андижон, 1910 йил
в) Тошкент, 1911 йил
c) Қўқон 1912 йил
d) Самарқанд, 1915 йил

**6. Ўзбекистоннинг XXVII ёзги Олимпиада ўйинлари чемпиони**

а) Р.Рисқиев
в) М.Абдуллаев
c) Д.Мансуров
d) А.Таймазов

**7. Бокс бўйича биринчи ўзбек жаҳон чемпиони?**

а) Ў.Ҳайдаров
в) Р.Рисқиев
c) Р.Чагаев
d) Т.Ғуломов

*Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги олдидан*

# НАСАФ АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА

***«Насаф обод вилоят. Унинг ободончилиги шу даражадаки, таъриф ва тавсифга муҳтож эмасдир. Масжид ва сардобадан ташқари, бу шаҳарда Абдуллохон томонидан кўп иморатлар бунёд этилган. Амир Боқибей Абдуллохоннинг кўрсатмаси билан шаҳарда мадраса, карвонсарой, ҳаммом (мармар тошдан) қурдирган»***

**Малехо Самарқандийнинг «Музаккир ал-асҳоб» асаридан.**

Мамлакатимизнинг йирик ҳудудларидан ҳисобланган Қашқадарё воҳаси ва унинг маъмурий маркази Қарши қарийб 3 минг йил давомида муҳим тарихий жараёнларнинг гувоҳи бўлган. У Нахшаб, Насаф, Қарши, Беҳбудий каби турли номлар билан аталсада, яхлит бир ижтимоий-маданий, илмий-маърифий марказ сифатида асрлар оша ўз мавқеини сақлаб келаяпти.

Мовароуннаҳрнинг йирик маданий марказлари Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Кеш каби шаҳарларда Самарқандийлар, Бухорийлар, Хоразмийлар, Кешийлар етишиб чиққан бўлса, Қаршини Насафийлар дунёга танитди.

Аждодларимиз қурган улкан обидалар, осори-атиқалар, меъморчилик кошоналари авлод-аждодларимиз тарихидан дарак бериб турибди.

Шаҳардаги Кўкгумбаз масжиди XVI аср ёдгорлиги. Мажмуа Шайбонийхонлар сулоласининг вакили Абдуллахон II (1583-1598) ҳукмронлиги пайтида Қарши ва Самарқанд усталари томонидан бунёд этилган. Бинонинг пештоқи ва устгумбаз равоғи ҳаворанг қўш кошинлар билан безатилган. Баландлиги 38 метрга яқин, кўндаланг ён қисмининг узунлиги 14-16,6 метр, ички хонақо 8х8 метр, баландлиги 14 метр келади.

Қўлигул усталар томонидан Шарқ меъморчилиги асосида пишиқ ғиштдан қурилган ўта гўзал, мовий, зангори ва оқ рангли кошинлардан иборат ноёб архитектура ёдгорлигини қайта таъмирлаш унинг чиройига чирой қўшади, табиий ҳуснини очади.

XVI асрнинг иккинчи ярмида Қашқадарё устида қурилган катта кўприкни 12 та пиллапоя, 14 ровоқ кўтариб туради. Мустаҳкам муҳандислик иншоотининг узунлиги 122,5 метр, эни 8,2 метр, дарёдан кўприкнинг юқори қисмигача 5,5 метрдан иборат. Ҳар икки томондан тирговучлар билан мустаҳкамланган. Унинг цоколи пастга томон кенгайтирила борган, ҳар бирининг диаметри қарийб 4 метр келадиган буржларга бирлаштирилган. Дарё ўзани кенгайганлиги сабабли 1914 йилда қайта қурилиб, қирғоқнинг кўҳна пиллапоялари янгиланган.

Қашқадарё кўприги устидан Александр Македонскийнинг аравалари, араб лашкарлари, Чингиз, Темур суворийлари ўтганлигига кўҳна тарих гувоҳ. Ўша даврда рўй берган сув тошқинлари кўприкнинг гўзал шаклига путур етказганига қарамасдан меъморчилик дурдонаси сифатида сақланиб қолган.

Сомонийлар, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларида дорихоналар, шифохоналар билан биргаликда кўплаб покизалик обидалари қурилган. Қарши ҳаммоми Шайбонийхон аждодларининг вакили Абдуллахон II томонидан XVI асрда қад кўтарган ҳақиқий меъморчилик обидасидир.

Иншоотнинг тархи анча мукаммал. Ер юзасидан 3 метр пастда қурилган. Зардоли, тут, писта ўтинлари, кўмир ёқиб иситилган. Олов туфайли қизитиладиган иссиқ тош бел, суяк оғриғига чалинган беморларни даволаш манбаи ҳисобланган. Ҳаммомни тарихий обида сифатида сақлаш учун маблағ ажратилди ва таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

Шаҳардаги қимматли осори-атиқалардан бири, бу XVI асрнинг 80 йилларида бунёд этилган Одина жомеъ масжидидир. Кўпчилик тарихчи олимлар ушбу мажмуа қурилишини соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлайдилар. Уларнинг маълумотларига қараганда, буюк жаҳонгир 1385-1386 йилларда Қаршида қишлаб, йирик жума масжидини барпо этган.

Регистон мажмуасига кирувчи Одина масжиди бир неча бор вайрон қилинган. Саид Олимхон томонидан қалъанинг таъмирланиши пайтида қайта тикланган. Шўролар ҳукмронлиги даврида турли идоралар жойлаштирилиб, кейинчалик омбор сифатида фойдаланилган. 2004 йилнинг охирида бу ерда жойлашган ҳибсхона кўчирилди. Ҳукуматимиз қарорига мувофиқ масжидда ҳам кенг кўламли таъмирлаш ишлари олиб борилаяпти.

1909 йилда қаршилик Хўжа Абдул Азизбой томонидан бунёд этилган бинонинг олд пештоқида қачон қурилгани ёзиб қўйилган. 1969 йилда мадрасада мукаммал таъмирлаш амалга оширилди. Шаҳарнинг 2700 йиллиги олдидан «Обидаларни илмий таъмирлаш» масъулияти чекланган жамиятининг қўлигул усталари тарихий иморатга қайта чирой бахш этмоқдалар. Бу ерда вилоят ўлкани ўрганиш музейи жойлаштирилган бўлиб, ундан Қашқа воҳаси тарихига оид нодир экспонатлар жой олган.

Шаҳарда XX аср ёдгорлиги Қиличбой, Бекмир Қозоқ мадрасалари сақланиб қолган. Бухороча усулда пишиқ ғиштлардан қурилган иморатларни таъмирлашга киришилди. Шаҳарнинг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Чармгар масжид мажмуаси халқ орасида Қўрғонча, Хонақо номи билан юритилади. XIX-XX асрлардаги ўзбек меъморчилигининг ҳақиқий намунаси бўлган тарихий обида эътиборсизлик туфайли ташландиқ ҳолга келиб қолган эди.

Масжид ғарбидаги уч тарафидан ғиштли девор билан ўраб олинган қадимий сағанага таниқли олим Шайх Абдураҳмон Нақшбандий дафн этилган. Мажмуа 1991 йилда қисман таъмирдан чиқарилиб, жомеъ масжиди мақоми берилган.

Тарихий маълумотларга қараганда, Мовароуннаҳрда 44 та сардоба бўлган. Улардан 29 таси Қарши чўлида, 3 таси Мирзачўлда, 1 таси Кармана яқинидаги Чўли Маликда қурилган. Иншоотлардан энг йириги шаҳар аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаб турадиган Қарши сардобасидир. Атоқли олим М.Массоннинг «Сардоба цистернасини ўрганиш муаммолари» китобида Қарши сардобаси таърифига катта ўрин берилган. Цилиндр кўринишидаги ички сув ҳавзасининг диаметри 16 метр бўлиб, сардоба тубига 40 зина билан тушилган. Гумбази ер юзасидан 7 метргача кўтарилиб турган. Файзиобод ариғидан хандақ устига ўрнатилган тарнов орқали сув келтирилиб, тўлдирилган.

Қадимда об-ҳаётдан фойдаланганлиги учун бир мис пул миқдорида тўлов олинган. Сув ҳамиша қадрли ҳисобланган, қаршиликлар об-ҳаётни бениҳоя эъзозлашган. Йиллар ўтиши билан сардобанинг улуғвор гумбази бузилиб, ҳозирги пайтда фақат ер устидаги қисми сақланган.

– Бутун Ўрта Осиёда бўлгани каби қадимий Насафда ҳам меъморчилик обидалари анчагина, – дейди биз билан суҳбатда қадимшунос тадқиқотчи С.Пўлатов. – Ана шу осори-атиқаларни асраб-авайлаш келажак авлод олдидаги инсонийлик бурчимиздир.

Ҳақиқатан ҳам ноёб архитектура ёдгорликлари маданий мерос сифатида муҳофазага олинган. Яқинда Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқали драма театрида вилоят ўлкани ўрганиш музейи томонидан Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тарихий ашёлар кўргазмаси очилди.

Воҳа меҳмонлари ва сайёҳлар эрамизнинг IV асрига оид Будда ҳайкалчаси, Еркўрғон, Кофиртепа, Қўштепа, Кожортепа, Шулликтепа ёдгорликларидан топилган хум, кўза, шамдон, товоқ каби уй-рўзғор буюмлари, мис идишлар, қабр тошлари ва бошқа ашёларни қизиқиш билан томоша қилдилар. Музейнинг янги кўргазмалари ёш авлод қалбида бой ўтмишимизга қизиқишни оширади, уларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга хизмат қилади.

**ЁЛҚИН**

*Мактабгача таълим муассасаларида*

# БЕҒУБОР ОШЁН

***Она нуридийдасини болалар боғчасига олиб бориб қўяр экан, биладики, жигарбанди бу ерда зерикиб қолмайди. Болаликнинг бетакрор эртаклари оғушига ғарқ бўлади. Вақтида ўйнайди, ухлайди ва овқатланади. Қисқаси, онанинг боласидан кўнгли тўқ. Шунинг учун ҳам иши унумли бўлади. Унумли меҳнат эса жамиятни, давлатни юксалтиради.***

Шундай масканлардан бири «Дилдора» мактабгача таълим муассасасидир. Бугунги кунда бу ерда меҳнат аҳлининг 212 нафар ўғил-қизи тарбияланяпти. Мавжуд 12 та гуруҳнинг бири махсус «логопед» гуруҳи бўлиб, унда нутқида камчилиги бор болалар даволанади. Бу борада фидойи ходимлар Муҳаббат Тошканбоева, Шаҳзода Омоноваларнинг хизмати катта. Муассасага тажрибали педагог Раҳима Холмирзаева раҳбарлик қилаётир. Умрининг 33 йилини ёш авлодни тарбиялашга бахш этган мудира 18 йилдирки «Дилдора» болалар боғчасига бош-қош.

Жажжилар масканида болажонларнинг маънавий камолоти, жисмоний жиҳатдан бақувват бўлиб, вояга етишларини кўзлаб, турли тарбиявий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу ерда ўз касбининг фидойилари бўлган педагог-тарбиячилар фаолият юритмоқда. Шулардан бири Дилором Ҳасанова. У кўп йиллар юрак қўрини, бор меҳрини жажжиларга бағишлади. Пировардида кам бўлгани йўқ. Бугунги кунда унинг кўксини «Шуҳрат» медали безаб турибди. Яна бир тарбиячи Манзура Раҳматова ҳам кичкинтойлар тарбиясида бошқаларга намуна бўлаяпти. У вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда 2-ўринни эгаллаб, дўстларини мамнун этди.

Тарбиячилар белгиланган иш режаларига кўра ҳар бир машғулотни болаларнинг ёш хусусиятини ҳамда қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этишмоқда. Шунингдек, боғчада спорт-соғломлаштириш тадбирларининг изчил йўлга қўйилгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Натижада ушбу муассаса тарбияланувчилари ҳар йили ўтказиб келинаётган «Соғломжон - полвонжон» мусобақаларида, «Қувноқ стартлар» беллашувларида тумандаги бошқа тенгдошларидан абжир ва чаққонликларини намойиш этмоқдалар.

Аёл қўли гул. Унинг нозик қўллари бўстон, жаннат яратишга қодир. Роҳила опа бошчилигида бу ерда меҳнат қилаётган қиз-жувонлар турли юмшоқ ўйинчоқлар ясаб, кичкинтойларни хурсанд қилишмоқда. Боғча биноси ҳам уларнинг саъй-ҳаракати билан таъмирланиб, шинам масканга айланди.

**Саида НУРУЛЛАЕВА,**
**Учқўрғон туман халқ таълими бўлими мактабгача таълим услубчиси**

*Хабарлар оқимидан*

### МАРКАЗЛАШГАН БУХГАЛТЕРИЯ ЛОЙИҲАСИ

Автоматлаштирилган ва марказлаштирилган ягона стандарт асосида ишловчи бухгалтерия ҳисоб-китоби телекоммуникация тармоғида ҳам татбиқ этилмоқда. Шу мақсадда «Ўзбек телеком» ҳиссадорлик компанияси бу жараёнга ўтиш бўйича янги лойиҳа яратишга киришди.

Телекоммуникациялар боғланмаларидаги барча молиявий амалиётларни мақсадга мувофиқ равишда йўлга қўйиш билан боғлиқ бу мураккаб жараён алоҳида дастур асосида амалга оширилади.

Мутахассислар малакасини ошириш тадбирлари ҳам кўрилди. «Ўзбектелеком» ҳиссадорлик компаниясида ўтказилган семинарда марказлаштирилган бухгалтерияни жорий этишнинг истиқболлари ҳам кўриб чиқилди.

### ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯДАН ҚЎЛЛАНМА

«Жисмоний тарбия» фани бўйича қатор янги ўқув адабиётлари яратилди. Шулардан бир нечаси жисмоний тарбия бўйича 2005-2006 ўқув йилидан мактабларда фойдаланилади.

I-XI синфлар учун мўлжалланган «Жисмоний тарбия» ўқув қўлланмаларининг янги таҳрирдаги нашрлари ҳам мактабларга тақдим этилди.

Айни вақтда янги ўқув йилидан умумтаълим мактабларининг I-VII синфларида ўқувчилар билими янги таҳрирдаги рейтинг тизими билан баҳоланади.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари «кураш халқаро техникаси ва тактикаси» деб номланган янги илмий-услубий қўлланма билан ҳам қуролландилар. Мазкур ўқув адабиёти республикамизда илк бор чоп этилди.

**А.АЛИЕВ**

# МУНОЖОТ

**ҲИКОЯ**

**(Боши ўтган сонда)**

Дафъатан қаршидаги кўзгуга бориб урилган пиёланинг жаранги синиб тўкилган ойнанинг жарангига қўшилиб Муножотни ҳушига келтирди, у бир нима деб улгурмасдан эри ўрнидан ирғиб тураётиб қаттиқ тепиб юборди. Эшиккача борди-да, яна қайтиб келиб тепди, тепди-тепди, тепаверди... Ҳушдан айрилай деб қолган Муножот эшикнинг даҳшат билан қарсиллаб ёпилганиниям, эрининг арслондай ўкириб нималар деганиниям эшитмади. Унинг кўз олдида юлдузлар тинимсиз чарақлар, бири кетидан бири чиқиб келар, чуқур зулматга қулаб боради-ю, аксинча, осмону фалакка кўтарилиб бораётгандай ҳис қиларди ўзини. Пастга қараб йўналган бу парвоз жуда ғалати эди...

* * *

Орадан бирор йилча ўтиб Муножот эрининг ўғил кўрганини эшитди. Ичида ҳув бир куни бошланиб, ўшандан буён тинмаган улкан шамол тағин кучайди. Муножот ранглари минг йиллик касалникидай сарғайиб ишдан қайтганда кеч кузнинг зилдай оқшоми деразa ортидаги оламни оғир босиб келар, электрнинг "шиқ" этган товуши билан хонадан ҳайдалган зулмат гўё шамолга айланиб, икки табақали кичкина деразани тинимсиз тиқирлатганча оғир тошдай чўккан ҳорғин аёлнинг кулбасига яна қайта киришга уринарди. Муножот муайян муддат бир нуқтага тикилиб ҳиссиз-идроксиз ўтирди, кейин ўша карахтлик билан боққа чиқди. Улкан боғ ютаман дегандай ҳувиллаб ётарди; дарахтлар шовуллайди, ҳаводан заҳ ва чириган япроқ ҳиди келади, зулмат ичида майда-майда нам зарралари юзга урилади.

Эй қодир фалак! Нега уларни мана шу боғнинг фарзандлари этиб ятратмадинг? Нега улар қўш бодомдай бир жойда ўсишмади? Шунда бир-бирларидан ҳеч қачон айрилишмасди... гуллаб, бир-бирисиз мева тугишмасди... ҳар йили мева беришарди... Улар баҳорда гулладилар, аммо мева тугмай, баҳорларида хазон бўлдилар... Отаси меҳру муҳаббат билан парвариш этган бу боғдаги дарахтлар нега сеҳрли олмалар солмади - бир палласини у еса, бир палласини бу еса... Мен нега сенинг фарзандинг бўлмадим, шамолжон? Шунда уни қувиб кетардим, унга шамолдай эргашардим, унинг бошида айланардим, тунлари унинг деразасини тинимсиз тиқирлатиб чиқардим?.. Мен нега сенинг боланг бўлмадим? - минг йилликдай туюлган қари олма дарахтлари ваҳимали шовуллаган сим-сиёҳ тунда ёлғизликдан зада бўлган аёл қалби ана шундай нола қиларди.

Тўсатдан унча узоқ бўлмаган масофада одамнинг шарпаси сезилди. Боғнинг ичида қоронғулик қуюқ бўлишига қарамасдан Муножот бу шарпани аниқ илғади. Қўшни қизнинг қаллиғидир, деб ўйлади; аммо шу қизнинг кечаси боғда кимлардир юриши ҳақидаги ваҳимаси эсга тушди. Боғ жуда қариб тузук-қуруқ мева бермай қўйган, хўжалик келаси йили боғни бузиб буғдойзорга айлантиришни мўлжаллаётганди; ҳосиллар бутунлай йиғиб олинган кеч кузда, ҳар бир ҳовлида камида беш-олти туп олма дарахти бўлган қишлоқ жойида ўғри ҳақида ўйлаш, хусусан, мантиқсиз эди. Ким бўлса бўлар... Балки у ҳам Муножот сингари ёлғизликми, ҳасратми уйидан қувиб чиқарган бир шўрпешонадир. Балки у ҳам ким биландир олма отишиб, дунёнинг фақат ойдин рангларини кўриб юрган кунларини эслаш учун эски боғда арвоҳдай тентираб юргандир. Балки дунё аввал бисотини мақтаб-мақтаб, кейин яна сандиғига тиқиб қўйган шумкампирдай унга ҳам ўз рангларини кўрсатиб-кўрсатиб тамомлагандир - Муножот ана шундай ўйлар эди.

Шу лаҳзада чақмоқ бир онга қилич сингари чарақлади. Муножот... мувозанатини йўқотган дорбоздай ағдарилиб тушишига сал қолди - у ўткир ёруғликда ўзига жудаям таниш, ўзига жудаям қадрдон инсоннинг суробини илғаб қолганди. Бир йилдан буён тош қотган дийдасидан қайноқ томчилар шашқатор оқди, юраги бутун оламга эшитилгудай гупиллаб, ихтиёрсиз кўкка юз бурди. Шу онда чақмоқ яна баҳордаги сингари шиддатли чарақлаб, кетидан дунёни ўқидан чиқаргудай гумбурлаш янгради. Дарахтнинг қир учида қолиб кетган олма негадир шамолга ўчма-ўч қилгандай фанор каби осилиб турарди.

**Нодира АФОҚОВА.**

*Қилмиш-қидирмиш*

# ТЎЙДА ТУЗИЛГАН РЕЖА

***Қора курсида ўтирган йигитларнинг бири йигирма икки ёшни, иккинчиси эса йигирма ёшни қаршилаган. Ҳар иккиси – Суннат Қалназаров ва Асилбек Болтабоев Дўстлик тумани «Боғзор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Макаренко кўчасида истиқомат қилади.***

Энди воқеанинг тафсилоти билан танишсак: икки ҳамтовоқ никоҳ тўйига боришади. Ҳамма базми-жамшид билан оввора-ю, Асилбекнинг хаёли бошқа жойда ўзича минг хил режалар тузарди. Ниҳоят, хаёлини тўплаб бир тўхтамга келди. Тузган режасидан қувониб ҳам қўйди. Тўйдан чиққач Асилбек нималарни ўйлаб қўйганидан Суннатни ҳам воқиф этди. Режа ҳамроҳига ёқиб тушди. Бу ҳам етмаганидек вояга етмаган Турсунбой Ботировни ҳам ўзларига шерик қилиб олишди. Уни «кузатувчилик»ка кўндиришди.

Халқимизда бир мақол бор: «Гилам сотсанг қўшнингга сот, бир четида ўзинг ўтирасан». Бироқ ўғриликка қўл уришаётган бу кимсалар мутлақо бунга тескари тарзда иш тутишди. Яъни, ўғрилик қилсанг, қўшнингникини ўғирла, қабилида... Хуллас, улар Асилбекнинг таклифи билан ўз қўшнилари, Макаренко кўчаси 15 уй 5-хонадонда яшовчи Саида Холжигитованинг уйига теварак-атрофни тун ўз зулматига чулғаган бир пайтда етиб келишди. Келишилганидек вояга етмаган Турсунбой кўчада кузатувчилик қилиб турди. Икки ҳамтовоқ ҳаш-паш дегунча омбор эшигининг қулфини темир билан бузиб, 3 қоп, 150 килограмм бозор нархида ҳар бир килограмми 140 сўмдан, жами 21.000 сўмлик буғдойни ўмариб кетишди. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деганларидек улар ўғирлик буғдойни шу хўжаликда яшовчи Қ.Раҳмоновга сотиб, пулларини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишди.

Бир қараганда воқеа жуда оддий. Лекин мулоҳаза қилиб кўрадиган бўлсак, моҳият бошқачароқ. Ахир айни кучга тўлган икки йигит онгли равишда жиноят кўчасига кирди. Хўш, бу нимaнинг оқибати? Тўқликка шўхликми, ёки... Аслида бу бизнинг, маҳалла-куйнинг, ота-оналарнинг эътиборсизлиги ва лоқайдлиги меваси эмасми?

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деганларидек, ушбу жиноят ҳам тезда фош этилди. Ёмон ният билан тузилган режанинг миси чиқди. Ҳар ким қилмишига яраша жазосини олди.

**А.ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**жиноят ишлари бўйича Арнасой туман суди раиси**

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилояти бўйича вакиллиги жамоаси Марказий кенгашнинг Гурлан тумани бўйича Вакили Мўминжон Каримовга падари бузруквори **МУХИДДИН** **ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди -

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41–уй.

Газетанинг навбатдаги сони 12 июлда чиқади

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616